

24.01.2022 йил

Термиз шаҳри

"O'zbekiston pochтasi" АЖ Сурхондарё филиали номидан, филиал Низоми асосида иш юритувчи директор Қ.Ҳамраев матнда "Сотувчи деб номланувчи бир томондан ва

Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг сурхондарё вилоят ҳудудий бўлими _____ номида

Низом асосида фаолият курсатувчи бошқарма бошлиғи

У.Хайдаров _____ матнда "Харидор" деб номланувчи

иккинчи томондан куйидагилар ҳаққида мазкур шартномани туздилар

1 Шартнома мазмуни

1.1 Сотувчи куйидаги тафсилот руйхатида кўрсатилган маҳсулотни Харидорга сотади, Харидор маҳсулотни ҳужжатлар асосида қабул қилиб, шартномада белгиланган муддат ва тартибда тўловларни амалга оширади:

№	Маҳсулот номи	улчов бирлиги	Нархи (1 дона, кг, комп)	Микдори	Жами нархи
1	№1438 Стандарт марка Н-3800	дона	3800,00	1600	6080000
2					
	ЖАМИ				6080000
сўз билан:					

2. Маҳсулотни етказиб бериш муддати ва тартиби

2.1 Шартноманинг умумий суммаси _____ сўм ККС сиз _____ Сўм
Қўшимча қиймат солиғисиз) (ОЛТИ миллион саксондан беш миң эсим)

2.2 Маҳсулот етказиб беришда, унинг сақланишини таъминлайдиган ўрами бўлиши мажбурийдир.

2.3 Маҳсулотни харидорга топшириш, Харидор вакилининг тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончномаси ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида амалга оширилади. Харидор вакили маҳсулотни қабул қилишда унинг сифати ва тўлиқлигини (бутлигини) текширади.

2.4 Маҳсулот Харидорга вакилиги топширилгандан сўнг, маҳсулотнинг сифати ва бутлиги, йулда нобуд бўлиши учун жавобгарлик Харидорга ўтади.

3. Ҳисоб-китоб ишлари

3.1 Харидор, шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун ичида, шартнома умумий суммасининг 30 % фоизини олдиндан тулайди. Қолган 70% фоизини маҳсулот олингандан сўнг 5-кун ичида тўлайди

3.2 Тўловлар, Сотувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1 Харидор, туловни уз вақтида амалга оширмаса, туловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун, уз вақтида тўламаган жами пулнинг 0,5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Шунда жариманинг умумий микдори жами пулнинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

4.2 Сотувчи маҳсулотни уз вақтида етказиб бермаса, ҳар бир кечиктирган кун учун, уз вақтида етказиб берилмаган маҳсулот нархининг 0,4 фоизи микдорида жарима тулайди. Шунда жариманинг умумий микдори жами маҳсулот суммасининг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

4.3 Шартнома бандларини бажариш юзасидан англашмовчиликларни иккала томон ўзаро келишиб оладилар. Шундан умумий ечимга келишнинг имконияти бўлмаса, масала Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида суд орқали ҳал қилинади.

4.4 Томонлар ўз ихтиёрларида бўлмаган форс-мажор ҳолати, яъни zilзила. Сув тошқини, ёнгин, табиий эпидемия, харбий ҳаракатлар, ҳукуматнинг айрим фаолият турини таъқиқловчи қарорлар сабабли шартномавий мажбуриятларни бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Бунда ўзига нисбаттан форс-мажор ҳолати юзага келган томон иккинчи томонни 24 соат ичида ёзма равишда огоҳлантириш лозим. Шартномани бажариш муддати, томонлар келишувига кўра форс-мажор ҳолати муддатига узайтирилиши ёки шартномани бекор қилиниши мумкин.

5. Шартнома муддати

5.1 Шартнома имзоланган кундан бошлаб қонуний қучга қиради ва томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амалда бўлади.


5.2 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки муддатидан олдин бекор қилиш, томонлар қўшимча ёзма келишуви асосида амалга оширилиши мумкин. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш истагини билдирган томон, бу ҳақида иккинчи томонни 1 (бир) ой олдин ёзма равишда хабардори қилиши шарт.

5.3 Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, томонларнинг ҳар бирида биттадан сақланади ва ҳар иккаласи бир хил қонуний қучга эга.

5.4. Мазкур шартнома газначилик бошқармасидан руйхатдан утган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилинади

6. Томонларнинг ҳуқуқий манзили:

"СОТУВЧИ"

"O'zbekiston pochta" АЖ
Сурхондарё филиали
Манзил: Термиз ш. Ф.Хужаев-13
х/р 20210000300155266291
Алоқабанк: Тошкент шаҳар
МФО 00401 СТИР 200833833
ОКОНХ 52100 тел: 76-223/14-17
Директор:  К.Хамараев
М.У.



Норисаб, З.Каримбаева

24.01.2022й

"ХАРИДОР"

Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти
Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими
Сурхондарё вил. Термиз ш., С.Саодат кўчаси, 286 б-уй.
Ш.х.р: 100001036022401703323-011
ИНН: 207251438, ОКОНХ: 84112
Ўз.Рес. Молия Вазирлиги Газначилиги
Х/р: 234020003001000010
Банк ҳисоби: ХҚМ
МФО: 00816
Шахри: 19.

 У.Хайдаров

